

ПАРТИЯНИНГ РЕЖАЛАРИ, УНИНГ XXV СЪЕЗДИ

БЕЛГИЛАГАН ВАЗИФАЛАР АЛБАТТА БАЖАРИЛАДИ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 213 (6817).

27

ОКТАБРЬ
ЧОРШАНБА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Яшасин илмий коммунизм партияси,
ишчилар синфининг, бутун совет халқи-
нинг синалган авангарди — Совет Ит-
тифоқи ленинчи Коммунистик партияси!
Яшасин партия билан халқнинг улуг
бузилмас бирлиги!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТАБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг давлат беш йиллик плани, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги давлат плани тўғрисидаги, СССРнинг 1977 йилги давлат бюджети ҳақидаги ва СССРнинг 1975 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилишни 1976 йил 26 октябрда давом эттирди.

Ана шу масалалар юзасидан музокараларда КПСС Ленинград область комитетининг биринчи

секретари Г. В. Романов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Оренбург область комитетининг биринчи секретари А. В. Коваленко, Ростов областдаги «Золотаревский» совхози макжаҳуорикорлик звеносининг бошлиги Р. Ф. Горожаева, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ф. Гапулов, СССР рангли металлургия министри П. Ф. Ломоко, Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари Ф. Т. Моргун, СССР қишлоқ хў-

жалиги министри В. К. Месяц, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг раиси Г. И. Марчук, В. А. Малишев номли Харьков транспорт машинасозлиги заводининг тоқари Г. Л. Михайлов, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс, асбобсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари министри К. Н. Руднев сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор

қабул қилди. Бу қарор матбуотда эълон қилинмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ташкилий масалаларни қараб чиқди:

Пленум ўртоқ Я. П. Рябовни КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.

Пленум В. А. Карлов, К. Н. Беляк, Ф. Т. Моргун ўртоқларни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан КПСС Марказий Комитетининг аъзолигига ўтказди.

Шу билан Марказий Комитет Пленуми ўз иш-ни тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Давлат беш йиллик плани, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги Давлат плани ва СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети лойиҳалари тўғрисида

1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг давлат беш йиллик плани, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги давлат плани ва СССРнинг 1977 йилги давлат бюджети лойиҳалари асосан маъқулланиб, улар СССР Олий Совети сессияси муҳокамасига тақдим этилсин.

Партия XXV съезди ишлаб чиққан социал-иқтисодий программани

ва ташқи сиёсат йўлини амалга ошириш соҳасида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг фаолияти, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ушбу Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва ҳулосалар тўла-тўқис маъқуллансин.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия ко-

митетларига, барча партия ташкилотларига 1976 йилги топшириқларнинг муваффақиятли тугалла-нишини, 1977 йилги халқ хўжалик планининг ва умуман беш йиллик планининг сўзсиз бажарилишини таъминловчи зарур тадбирларни амалга ошириш тақлиф қилинсин. Ишлаб чиқариш коллективларининг муқобил планларни ва оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилишларига ва рўёбга чи-

қаришларига алоҳида эътибор берилсин. Совет ва хўжалик органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг куч-ғайрати халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида ижтимоий ишлаб чиқариш самардорлигини ва иш сифатини ҳар томонлама ошириш вазифаларини ҳал қилишга қаратилсин. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, илгор тажрибадан кенгроқ фойда-

ланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш-ни кўпайтириш ва унинг турини ҳамда сифатини яхшилаш, халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш кўпайтириш учун мавжуд барча резервлар ва имкониятлар ишга солинсин. Меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан рационал, тежамли фойдаланишга, капитал маблағларнинг самардорлигини оширишга сабот билан эришилсин.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми коммунистларни, комсомолларни, барча меҳнаткашларни ўзини беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани тагин ҳам кенг авж олдиришга ва шу тариқа Совет давлатининг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашга, халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини тинмай юксалтиришга даъват этади.

КПСС МАРКАЗИЙ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИДА

26 октябрда КПСС Марказий ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди.

КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси Г. Ф. Сизов шу комиссиянинг иши тўғрисида ахборот берди. Мажлисида КПСС Марказий ревизия комиссиясининг 1977 йил учун тузилган иш плани қараб чиқилиб, тасдиқланди.

КПСС Марказий ревизия комиссияси раисининг ўринбосари сайланди. КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, «Партийная жизнь» журналнинг бош редактори М. И. Халдеев КПСС Марказий ревизия комиссияси раисининг ўринбосари қилиб сайланди. (ТАСС).

„Оқ олтин“ хирмонига

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАНЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ
ЙИЛ 26 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН
МАЎЛУМОТ

Биринчи устун — районолар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада; тўртинчи устун — мавсум бошидан бери тайёрлаган пахта; бешинчи устун — шу жумладан машинада.

(Планга нисбатан процент ҳисобидан).				
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	—	—	120,96	142,40
ҚУНИ ЧИРЧИҚ	0,07	—	119,00	146,00
ЯНГИЙЎЛ	0,35	0,43	113,03	106,83
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,15	—	106,60	121,52
ЧИНОЗ	0,31	0,19	104,28	104,41
БҒҚА	0,10	—	103,21	120,10
ОҚҚУРҒОН	0,02	—	101,37	115,92
Бекобод	0,56	0,32	97,05	99,80
Пискент	0,19	0,13	86,83	91,70
Область бўйича:	0,19	0,09	104,25	116,51

ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИ—ЖАНГОВАР ИШ ПРОГРАММАМИЗ

РЕКОРДЛАР ЎСАВЕРАДИ

Асл пахтакор учун ўз касбини улуглаш, машаққатли меҳнاتини қадрлашдан бўлак муҳимроқ иш йўқдир. Буни пахтазорларда олиб бориладиган шу кеча-кундузги гайрат-шижоатдан ҳам билиш мумкин. «Оқ олтин» ҳар биримизнинг қалб кўри-миз, пешона теримиз билан бунёдга келган. У тенгсиз халқ бойлиги. Шунинг учун бир миқсоли ҳам ерда қолиб кетмаслиги зарур. Биз шу мақсадда кеча-кундуз тинимсиз ҳаракат қилмоқдамиз.

Шундай долзарб пайтда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдаги пленумида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Давлат беш йиллик планининг муҳокама қилиниши аниқ муддаодир. Айниқса, КПСС Мар-

казий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг пленумда сўзлаган ёрқин ва сермазмун нутқи биз пахтакорларни янги меҳнат галабалари сари руҳлантириб юборди. Бу муҳим ҳужжатда қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг наमतларини меҳнати билан баҳолаш билан бирга навбатдаги муҳим вазифалар ҳам очинқ-ойдин кўрсатиб берилган. «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун, — дейди ўртоқ Л. И. Брежнев, — давлат томонидан ажратиб бериладиган жуда катта ресурслардан оқилона, удабуронлик билан фойдаланиш, ерни авайлаб сақлаш, ҳар гектар ердан, сарфланаётган маблағларнинг ҳар сўмидан, ўғитларнинг ҳар бир тоннасидан энг кўп са-

мара олишга эришмоқ керак».

Биз бу йилги мавсумга муваффақиятли якун ясаб, келгуси йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин яратишга киришар эканмиз ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу оқилона кўрсатмаларига тўла амал қилмоғимиз даркор. Ана шунда мунтазам юксалиш йўлидан бориб, ҳосилдорлигини йил сайин оширишга эришамиз.

«Биз, — дейди ўртоқ Л. И. Брежнев, — санкиз миллионлик маррадан ана ўзиб кетилишига аминмиз. Аммо бу ҳам чегара эмас. Бундан бўён янги рекордлар қўйилишига ишонаман». Бу сўзларнинг қақадар ҳаётий эканлигини бизнинг хўжалигимиз мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳозир колхозимиз бўйича 50 центнерлик маррани ағаллаш арафасида турибмиз. Аҳял коллективимиз учун бу чегара бўлмайди. Пахтачилик бўйича рекорд кўрсаткичларини йил сайин юксалтириб бора-верамиз.

Сайд ИБРОХИМОВ, Бўна райондаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригада бошлиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ИШИМИЗ МЕЗОНИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг кечаги Пленумида сўзлаган нутқи билан бригаданимиз аъзолари чуккур таъиндилар. Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев ўз нутқида бошқа масалалар қатори капитал қурилишни яхшилаш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бундан илҳомланган бригаданимиз аъзолари қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштириш, объектларни тез ва соз ишга туширишга эришиш учун ҳармай-толмай меҳнат қилишга бир овоздан қарор қилдилар. Бутун беш йилликнинг тақдири кўп жиҳатдан қурувчиларнинг иш мезонига, бизларнинг қандай ишлаганимизга боғлиқ экан, бу жабҳада зарбдорларча меҳнат қиламиз. Бригаданимиз аъзоларининг аҳди шундай.

А. НАЗАРОВ,
«Главташкентстрой» ком-
плексе бригадасининг бош-
лиги.

ОТАЛАРЧА ҒАМХЎРЛИК

КПСС Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг сўзлаган ёрқин ва сермазмун нутқини мактабимиз коллектив катта эътибор билан ўқиб чиқди. Леонид Ильич нутқи бизда зўр таассурот қолдирди.

Партияимиз совет кишилари турмуши фаровонлигини оширишни ўзининг олий мақсадларидан бири деб билади. Ўзини беш йилликда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача реал даромадлар 21 процент ортади. Ишчи ва хизматчиларнинг минимал иш ҳақини, шунингдек ставка ва оқладларини оширишнинг янги бос-

қичи бошланиши назарда тутилган. Айниқса биз аёлларга кўрсатилган катта ғамхўрликдан миннатдормиз. Мен 10 фарзанднинг онаси-ман. 22 йилдан бери Собир Раҳимов районидagi Қўйб-шев номи 1-мактабда мураббийлик қилиб келяман. Кўп болали оналар қатори бизга яратиб берилаётган имтиёزلардан беҳад хурсандман.

Партияимизнинг бу оталарча ғамхўрлиги бутун совет кишилари қатори мактаб коллективи ва шахсан мени ҳам янги меҳнат марралари сари ундайди.

Муҳаббат БОБОВЕВА,
Халқ маорифи аълочиси, қаҳрамон она.

ОБЛАСТЬ ШТАБИНИНГ ЙИГИЛИШИ

23 октябрда Тошкент область партия комитетининг пахта йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда коммунистик мусобақанинг ошқоралигини таъкидлаб ва Пискент район хў-

жаликларида илгор тажрибани пропаганда қилиш масалалари ештилди. «Билим» жамияти область ташкилотининг масъул секретари Н. В. Кодрасюк пахтакорлар ўртасида лекция пропагандасининг аҳоли тўғрисида ахборот берди.

ДАДИЛОДИМЛАР

СССР саноатида 1976 йил тўққиз ойлик давлат планининг бажарилиш якунлари тўғрисида
СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Саноат ҳодимлари Совет Иттифоқи Коммунистлар партияси XXV съездининг қарорларини амалга ошира бо-
риб ва ўзининг беш йилликнинг биринчи йили планини
муддатидан илгари бажариш учун бошланган социали-
стик мусобақани кенг аён олдириб, ишлаб чиқаришда ян-
ги муваффақиятларга эришди.

Маҳсулот реализация қилиш ҳажми, меҳнат унумдор-
лигини ошириш ва кўпчилик энг муҳим маҳсулот тур-
ларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган тўққиз ой-
лик план ошириб бажарилди. Пандан ташқари 4,5 мил-
лиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди.
Саноат ишлаб чиқариши ўтган йилнинг шу даврига нис-
батан йиллик планда белгиланган 4,3 процент ўрнига 4,8
процент ошди. Меҳнат унумдорлиги 8,3 процент кўпай-
ди. Фойда олиш ва саноат маҳсулотни таннахранин камай-
тириш планлари бажарилди.

Ҳамма умумийтўғрисида ва иттифодош республикалар-
да маҳсулот реализация қилиш ҳамда иттифодош респу-
бликалар маҳсулот реализация қилиш тўғрисида ойлик пла-
нини ошириб бажарилди.

Айрим министриликлар ва иттифодош республикалар-
да маҳсулот реализация қилиш ҳамда иттифодош респу-
бликалар маҳсулот реализация қилиш тўғрисида ойлик пла-
нини ошириб бажарилди.

Умумийтўғрисида ва иттифодош респу- бликалар маҳсулот реализация қилиш ҳажми	1976 йил тўққиз ойликда	1975 йил тўққиз ойликда	1976 йил тўққиз ойликда 1975 йил тўққиз ойликда нис- батан процент ҳис- сабидан
Энергетика ва электрлаш	101	107	105
Нефть саноати	100,8	106	105
Нефть қайта ишлаш ва нефть химия саноати	100,4	105	104
Газ саноати	104	119	114
Кўмир саноати	102	103	102
Қора металлургия	100,6	105	104
Рангил металлургия	100,5	103	102
Химия саноати	100,3	108	106
Оғир ва транспорт машинасозлиги	100,5	106	106
Энергетика машинасозлиги	100,6	109	108
Электротехника саноати	101	108	108
Химия ва нефть машинасозлиги	101	108	107
Станоксозлик ва асбобсозлик саноати	100,9	110	108
Приборсозлик, автоматлашти- риш воситалари ва бошқарув системалари	102	112	110
Автомобиль саноати	104	107	106
Транспорт ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	102	107	106
Қорачилик ва озуқа ишлаб чи- қариш учун машинасозлик	102	111	107
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик	100,3	107	106
Энгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик	100,2	108	107
Ўрмон ва ёғочсозлик саноати	100,5	102	103
Целлюлоза — қоғоз саноати	102	106	105
Бинокорлик материаллари саноати	100,5	105	104
Ўқитиш саноати	101	104	103
Озиқ-овқат саноати	102	100,8	100,7
Ўқитиш ва сўт саноати	100,2	90	92
Балиқ хўжалиги	103	103	102
Тайёрлаш	104	107	104
Медицина саноати	102	112	109
Микробиология саноати	103	118	107
Бошқармачи	103	118	107

Умумийтўғрисида ва иттифодош респу- бликалар маҳсулот реализация қилиш ҳажми	1976 йил тўққиз ойликда	1975 йил тўққиз ойликда	1976 йил тўққиз ойликда 1975 йил тўққиз ойликда нис- батан процент ҳис- сабидан
Энергетика ва электрлаш	101	107	105
Нефть саноати	100,8	106	105
Нефть қайта ишлаш ва нефть химия саноати	100,4	105	104
Газ саноати	104	119	114
Кўмир саноати	102	103	102
Қора металлургия	100,6	105	104
Рангил металлургия	100,5	103	102
Химия саноати	100,3	108	106
Оғир ва транспорт машинасозлиги	100,5	106	106
Энергетика машинасозлиги	100,6	109	108
Электротехника саноати	101	108	108
Химия ва нефть машинасозлиги	101	108	107
Станоксозлик ва асбобсозлик саноати	100,9	110	108
Приборсозлик, автоматлашти- риш воситалари ва бошқарув системалари	102	112	110
Автомобиль саноати	104	107	106
Транспорт ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	102	107	106
Қорачилик ва озуқа ишлаб чи- қариш учун машинасозлик	102	111	107
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик	100,3	107	106
Энгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик	100,2	108	107
Ўрмон ва ёғочсозлик саноати	100,5	102	103
Целлюлоза — қоғоз саноати	102	106	105
Бинокорлик материаллари саноати	100,5	105	104
Ўқитиш саноати	101	104	103
Озиқ-овқат саноати	102	100,8	100,7
Ўқитиш ва сўт саноати	100,2	90	92
Балиқ хўжалиги	103	103	102
Тайёрлаш	104	107	104
Медицина саноати	102	112	109
Микробиология саноати	103	118	107
Бошқармачи	103	118	107

Умумийтўғрисида ва иттифодош респу- бликалар маҳсулот реализация қилиш ҳажми	1976 йил тўққиз ойликда	1975 йил тўққиз ойликда	1976 йил тўққиз ойликда 1975 йил тўққиз ойликда нис- батан процент ҳис- сабидан
РСФСР	101,0	104,6	103,7
Украина ССР	101,4	104,0	102,2
Белорусия ССР	101,9	107,3	104,7
Ўзбекистон ССР	103,7	104,7	102,6
Қозғоғистон ССР	100,5	102,3	101,0
Грузия ССР	102,3	105,6	104,7
Озарбайжон ССР	102,3	108,1	105,3
Литва ССР	101,8	105,7	104,4
Молдавия ССР	101,3	103,1	100,4
Латвия ССР	101,7	105,2	105,0
Қирғизистон ССР	102,2	105,8	104,1



Шу ғажизат кунларда еттиштирилган мўл пахта ҳоси-
лининг бир миқсодини ҳам нобуд қилмай йинги-териб
олиш ҳар бир пахтакор олдига турган муҳим вазифа-
дир. Янгиёл районидagi «Интернационал» колхозининг
азамат пахтакорлари буни яхши билишди. Маъжуд тер-
им агрегатлари ва механизмларнинг ҳаммасидан самар-
али фойдаланишмоқда. Механик-ҳайдовчилар ўртасида-
ги социалистик мусобақа ўз вақтида якунига етди. Ме-
ханизатор Мунаддас Бойназаров бу мусобақада бир неча
бор ғолиб бўлди. Унинг шу кунгача терган пахтаси 140
тоннадан ошиб кетди.

Суратда: ғолиб механизатор.
А. Абалди фотоси.

Тоннинстон ССР	102,4	102,6	100,1
Арманистон ССР	102,6	108,6	105,0
Туркменистон ССР	102,2	100,3	98,4
Эстония ССР	102,5	106,4	104,8

Умуман мамлакатда маҳсулотнинг энг муҳим турла-
рини ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлар билан ха-
рактерланади:

1976 йил тўққиз ойликда ишлаб чи- қариш	1975 йил тўққиз ойликда	1976 йил тўққиз ойликда 1975 йил тўққиз ойликда нис- батан процент ҳис- сабидан
Электрэнергия — миллиард киловатт-соат	808	107
Нефть (газ конденсатини ҳам қўшган ҳолда) — миллион тонна	386	106
Газ — миллион тонна	236	112
Кўмир — миллион тонна	532	102
Қўшан миллион тонна	79,1	103
Пўлат — миллион тонна	109	103
Қора металллар прокати — миллион тонна	89,0	104
Шу жумладан тайёр прокат	76,2	104
Пўлат қувурлар — миллион тонна	12,7	106
Темир руда — миллион тонна	178	103
Минерал ўғитлар (шартли бирликларда) — миллион тонна	68,1	104
Ўсимликларни ҳимоя қилиш ҳимиявий воситалари (шартли бирликларда) — мин тонна	347	105
100 процент кальцийланган сода (миллион тонна)	3,6	103
100 процент кастинг сода, миллион тонна	1,9	110
Олтин гулурт кислотаси — миллион тонна	14,6	107
Синтетик смола ва пластмас- салар — миллион тонна	2,3	108
Химиявий тола ва йип—минг тонна	755	107
Автомобиль покривчалари — миллион тонна	40,5	106
Синтетик кир ювиш воситалари — мин тонна	606	109
Турбиналар — миллион киловатт	13,0	92
Турбина генераторлари — миллион киловатт	11,8	94
Ўзгарувчи ток электродвигате- лари — миллион киловатт	35,4	105
Металл қирқувчи станоклар: минг дона	167	100,3
Миллион сўмлик	1688	109
Йаъни металл қирқувчи станоклардан сони программа билан бошқа- риладиган станоклар — минг дона	4,5	113
Темирчилик — пресслаш машина- лари	39,2	102
Минг дона	306	110
Миллион сўмлик асбоблар, автоматлаш- тириш воситалари ва уларнинг запас қисмлари — миллиард сўм	207	112
Ҳисоблаш техникаси ва улар- нинг запас қисмлари — мил- лиард сўмлик	1,8	124
Металлургия машина- лари — минг тонна	280	108
Кўмир қазни комбайнлари — дона	886	109
Прокатка комбайнлари — дона	413	110
Нефть аппаратлари (ҳаво совути- члар) бу ҳисобга кирмайди) — мин тонна	122	121
Химия машина-ускуналари ва уларнинг запас қисмлари — миллион сўмлик	463	108
Витил саноат учун технология маши- на — ускуналар ва уларнинг запас қисм- лари — миллион сўмлик	464	105
Ўзинг-ўзинг, гушт, сўт ва балиқ саноати учун технология машина — ускуналар ва уларнинг запас қисмлари — миллион сўмлик	357	107
Магистрал тепловозлар — миллион от кучи	3,1	105

Магистрал электровозлар — миллион от кучи	2,4	107
Магистрал юк вагонлари — минг дона	52,5	102
Автомобиллар — минг дона	1505	103
Шу жумладан: юк автомобиллари енгил автомобиллар транспорлари: минг дона	529 924	103 103
Миллион от кучи	419	102
Қишлоқ хўжалик машиналари — миллион сўмлик	32,8	106
Шу жумладан: қорачилик ва ем-хашак тайёрлаш машиналари	2870 1202	106 106
Ҳалла комбайнлари — минг дона	75,2	105
Пахта тераш машиналари (физик бирликларда) — минг дона	6,1	106
Эксплуататорлар — минг дона	30,4	105
Импортёр ёғоч (қолхозлар тайёрлагани бу ҳисобга кирмайди) — миллион куб метр	224	98
Целлюлоза — миллион тонна	5,4	106
Қоғоз — миллион тонна	4,0	103
Картон — миллион тонна	2,6	105
Цемент — миллион тонна	92,8	102
Йиғма темир-бетон — миллион куб метр бўиом	88	103
Шифер-миллиард шартли плита	6,0	104
Тоғма ёпиладиган қишлоқ материаллар ва изоол — миллиард квадрат метр	1,4	109
Қадамларнинг ҳамма турлари — миллион квадрат метр	7658	103
Тикилган кийимлар — миллиард сўмлик	14,4	105
Ички трикотаж — миллион дона	729	103
Устки трикотаж — миллион дона	350	102
Чарм-поёғолак — миллион жуфт	535	104
Гушт (саноат қўлаида тайёрланган) — миллион тонна	5,8	79
Қолбаса маҳсулотлари — миллион тонна	2,2	99,8
Овқатбор балиқ маҳсулотлари, шу жумладан балиқ консервлари — миллиард сўмлик	3,4 1,1	105 99,8
Мол ёғи	1,1	99,8
Қаймоғи олинмаган сўт маҳсулоти сўта айлантириб ҳисоблаганда — миллион тонна	17,6	97
Ўсимлик мойи — миллион тонна	1,8	78
Қонитер маҳсулотлари — миллион тонна	2,4	105
Консервлар — миллиард шартли банка	10,8	96
Соялар — миллион дона	42,9	105
Чинни фаянс ва майолика идишлар — миллион дона	777	105
Сортили идишлар (шиша ва хрусталлардан ясалган) — миллион сўм	215	109
Радиоприйимик ва радиолалар — миллион дона	6,2	99,9
Телевизорлар — миллион дона	5,3	103
Холодильниклар — миллион дона	4,3	104
Кир ювиш машиналари — миллион дона	2,6	108
Мотоцикл ва мотороллерлар — минг дона	784	103
Мебель — миллиард сўмлик	3,2	105

Умуман саноатда план муваффақиятини бажарилигани
ҳолда ўтган давр ичида министриликлар, бирлашмалар ва
корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми бўлди. Минерал
ўғит, оғитишгушт кислотаси, ўзгарувчан ток алстр див-
гательлари, темирчилик — пресслаш машиналари, юк ва-
гонлари, импортёр ёғоч, цемент ишлаб чиқариш, қоғоз,
газлама, устки трикотаж, консерва, чинни фаянс ва май-
олика идишлар, холодильникларнинг баъзи турларининг
ва маҳсулотнинг бошқа турларини ишлаб чиқариш плани
бажарилаётган. Кооперация йўли билан материал ва
буюмларни етказиб бериш йўлида шартномалар
да олинган мажбуриятларга риоя қилинмаган ҳолда амал-
га оширилди. Айрим бирлашмалар ва корхоналар маҳсу-
лотни реализация қилиш, меҳнат унумдорлиги ва жамғар-
маларни кўпайтириш юзасидан берилган тошйириқларни
бажармадилар ва белгиланган ассортимент ҳамда тегишли
сифатдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминладилар.

Саноатда ишлаб чиқаришни техника билан тобора
қуроллантириш ва таъминлаштириш давом эттирилди. Ишла-
б чиқариш жараёндарини комплекс механизациялашти-
риш ва автоматлаштириш амалга оширилди, янада мукам-
лашроқ технология жараёндари жорий қилинди. Электр-
станцияларда электр энергия ишлаб чиқаришга сарфлан-
ган ёқилги миқдори каймади, йўлат эритиш агрегатлари,
цемент саноатида саноатнинг бошқа тармоқларида маши-
на-ускуналарнинг унумдорлиги ошди.

Ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари
ҳамда корхоналар замонавий техника талабларига мос
бўлган буюмларнинг икки мингдан зиёд янги турини ўз-
лаштириш ва ишлаб чиқара бошладилар. 30 мингдан зиёд
буюмга давлат Сифат белгиси берилди.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

ДУНЁ ОВОЗИ ЧЕИ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ИНГЛИЗ ЖУРНАЛИСТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЛОНДОН, 26 октябрь. (ТАСС).
Хабарчи «Санди пилл» жур-
налида Жон Смитнинг Тош-
кентдан ёзган репортажида
Совет Иттифоқида қотиб-қиз-
лаб меҳрибонлик билан қур-
шаб олинганлиги ҳақида ҳикоя
қилинади. Репортаж автори
Урта Осиё ва Сибирга қилган
сафари чоғида янги шаҳарлар-
нинг лойқаларини тўзётган,
қасаба союз ташкилотларида
масъул лавозимларда ишлаёт-
ган аёллар билан, оддий ичи-
хотин-қизлар билан учрашган-
лигини ёзди.

Инглиз журналистнинг ре-
портажи тошкентлик оддий
аёл Зарифа Саидованинг ҳа-
тига бағишланган. Зарифа Са-
идова ўн фарзандни туғиб, во-
яга етказганлиги учун «Фехра-
мон она» фахрий унвонини ол-
ди. Ўзбекистон революцияга
қодар чор

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

ВАРАҚА № 164

БИР ГРАММ ҲАМ

ПАХТА НОБУД

БЎЛМАЙДИ

Азамат пахтакорлар билин-кетин галаба рапортларига нисбатан чекмондалар. Хўжаликлар, районлар маррага етиб, мажбурийлини ба-жариш учун курашмоқда-лар. Бизнинг колхоз ме-хнатчилари ҳам давлатга 3096 тоннадан зиёд пахта сотиб районимизда бири-чилар қаторида халқ хўжа-лиқ планини бажардилар. 1060 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олинди.

Халқ хўжалиқ планини бажаришда меҳаник хайдо-чиларимиз бўр маҳорат кў-рсатдилар. Ҳозиргача териб топирилган пахтанинг 2200 тоннадан кўпроги машина билан териб олинди. Турсун Эргашев, Асад Абдулалов, Холбой Султонов сингари ме-ханик хайдочиларнинг ҳар бири 140—150 тоннадан пахта териб, натта мадд бердилар.

Колхозимизда 50 цен-терчилар ҳаракатига қў-шилган Ҳабиб Тўраҳўжаев бошлиқ бригада аъзолари бири-чи бўлиб планни ба-жариб, мажбурийли ҳисобига пахта топирилмоқдалар. Са-лим Ганиев, Очил Умаров бошлиқ бригада аъзолари ҳам пахта тайёрлашда пеш-қадамлик қилмоқдалар.

Колхозчиларимиз анимата олгини соғинадиган маж-бурийлини ҳам шараф билан бажариш учун курашни қи-яниб юбордилар. Утган йи-ли қир зонасига жойлашган баланд-паст ерларнинг ге-ктаридан 33 центнердан ҳо-сил олинган эди. Биз ге-ктаридан 34,3 центнердан ҳо-сил олиб, 3640 тонналик хирмон кўтаришга бел бо-лаганимиз. Ҳозир-бутун эъти-бор шунга қаратилган. Бар-ча куч пахта йиғим-терими-га сафарбар этилган.

Шу кунларда машиналар-дан ташқари 250 колхозчи, 940 кишидан зиёд ердамчи-лар далада астойдил меҳнат қилишмоқда. Халқни-мизда «қаторда норинг бў-са, юннинг ерда қолмайди» деган гап бор. Сафимизда шундай аъза-аъзалар бор экан, социалистик мажбурийли ҳам сўзсиз бажарилади.

Колхозимизда пахтадан ташқари чорва маҳсулотла-ри тайёрлаш ишлари ҳам қўйилгандай боришти. Аза-мат чорводорларимиз гўшт, сўт, туҳум тайёрлаш плани-ни ошириб бажардилар. Ма-салан, давлатга 15 ўринча 18 тонна гўшт сотдилар. Сўт сотиш плани октябрь ойида 223,6 процент қилиб адо этилди.

М. ТўРАХҲАЕВ,

Оққўрғон районидан «Коммунизм» колхозини раис.

ГРИГОРЕНКО маҳалладаги хонадонларга бир-бир бош сўйиб чиқди.

Қўшининининг йўл-ларига асфальт ётказилди. Агарда ҳоҳишимиз бўлса, сизнинг ҳам ҳовли-нинг асфальтлаб берили-ши мумкин. Ахир қонча-га қишлоқ лой, ёзда чанг кечиб юрарканда. Шаҳарла-рига ўхшаб, буғий озо, да яшангларда, — дерди у одамларга ўзини яқин тут-гандай бўлиб.

Уз оғи билан хоник хи-мат қилган келган прораб-ни соддадил одамлар олд-инга роса меҳмон қилишди. Сўнг биргаликда асфальт-дандинган йўлларнинг ўл-чаб чиқинди. Режа нининг бир учи ошконида, иккинчи учи молхонага тортилди. Шундан кейин ўтинхона кўмирхонага борадиган йўл-каларни асфальтлаш ре-жаланди. Қарабоски, Гри-горенконинг ови ўтин-дан келиб қолди. Янги йўллар қурилиш учун юбо-рилган асфальтларни у ҳеч қилингандай тўғри Оркион-киде районидан «Юбале-ния» посёбаси хонадонла-рига келтириб тушираверди. Ҳақ-наш дегуна Гри-горенко сазкам 200 тонна асфальт 1200 квадрат метр йўлга ётқизиб бўл-ди. Қозон ҳам мой қўйиб-ди. Йўллар битар-битмас у Салина билан Шонбоз-дан 240 сўмни пайд санаб олди. Кейин Юнусов билан

КЕЧАГИНА районимиз меҳнатчилари дастлабки марраги эгаллашчилари ҳақида рапорт бердилар. Дав-лат план бажаришди. Рай-онимизнинг «олтин қўл» пахтакорлари планни ба-жариш қонуни, мажбурийлини адо этишни аса шарафли бўри деб билишарди. Ҳозир ҳамманинг диққат-эътибори «оқ олтин»нинг сўнгги грамминга нобуд қилмай, йиғиб-териб давлатга то-пиришга қаратилган. Бу иш-да назоратчиларимиз бош-қос бўлмоқдалар, 121 груп-пата бирлашган 2 мингта яқин халқ назоратчилари улкан «оқ олтин» хирмони-ни яратиб шунга муносиб ҳис-са қўшмоқдалар.

Машина терими — ме-хнат унуми, деб бежиз айт-маймиз. Қаредга терим агре-гатлари ёппасига, тула унум билан ишласа, ўша ерда хирмон соат сайин кўкка бўй чўзмоқда. Буни яқин тушунган назоратчилар йи-ғим-терим мавсуми олдига-ноқ техникани шай қилишга алоҳида диққат билан қара-дилар. Июль-август ойлари-даёқ, 183 терим машинаси-нинг ремонтин назоратдан ўт-казилди. 25 августга рай-ондан барча техника терим-га шай қилиб қўйилди.

Йиғим-терим мавсуми бошлангани билан биз ме-хнат интизоминини мустақам-лаш бўйича қатор тадбир-ларни амалга оширдик. Жой-ларда тузилган қўшма 88 пост аъзолари камчилик-ларини тутатишда хушёрлик кўрсатилди. Шу жумладан утча пахта пунктида ҳам постлар тузилди. Бу тадбир

туфайли пахта намлиги ва йиғилгани назорат қилиш яқин йўлга қўйилди.

Энгелс номи колхоздан келтирилган пахтадан пун-хат 19 процент скидка чиқ-рилди. Назоратчилар пахта-ни қайтадан анализ қилиш-ганда бу рақам 16 процент-ни ташкил этган. Назоратчи-лар «КПС XXIV съезди» совхоздан келтирилган пах-танинг анализ ҳам нотўғри чиқарилганини аниқладилар.

МИСҚОЛЛАРИ

ОЛТИНГА ТЕНГ

Кўрсаткич 3,3 процент оши-риб кўрсатилган эди. Мавсу-лий ност аъзоларининг рейд ва текширишлари туфайли пахта пунктларида ҳо бера-ётган қўшма камчиликлар тутатилди. Рейд ва текши-ринг натижалари ишчи ва хизматчиларнинг умумий йи-ғилишларида қўриб чиқилди.

Колхоз ва совхозлар халқ-контроли группалари тех-никадан унумли фойдала-ниш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ҳосилини тез ва сифатли йиғиб олиш бўйича тез-тез рейд ва текширишлар ўтказмоқдалар. Аниқсиз те-хниканинг тула унум билан ишласи ҳамманинг диқ-қат марказимизда бўлди.

Терим қизғин паллага кирган кунларда С. Раҳимов номи колхозда баъзи маш-иналар сменадош механиз-аторлар тулки тайин этилма-ганлиги сабабли тухтаб қо-лаётганлиги маълум бўлди. Худди шундай камчилик кадрлар етарли бўлишига қарамай, Энгелс номи кол-хозда ҳам руй берди. Тек-шириш ўтказилган кун беш-та машина фақат бир смена-да ишлаган эди. Ўша кун-

«Москва» колхозининг Бина-ли Суфиев бошлиқ 4-брига-дасида пахта исрофгарчили-гига йўл қўйилаётганини аниқ-ладилар. «Узбекистон» 30 йиллиги, «Москва» ва Энг-елс номи колхозларида те-риб олинаётган пахтанинг сифати бузилаётгани ма-ълум бўлди.

Районимиздаги барча хў-жаликларда йил давомида ўрта ҳисобда 30—35 тадан рейд ва текширишлар ўтқи-зилди. Назоратчиларнинг амалга ошираётган тадбир-лари туфайли етиштирилган ҳосилини тез ва сўз йиғиб олиш имкони тутилмоқда. Кирова номи колхоз халқ-контроли группаси раиси Бекжонов, К. Маркис номи колхоз халқ контроли груп-паси раиси Абдураҳмонов, «Қизил Октябрь» колхозини халқ контроли группаси ра-иси Эсамбердиев, «Янгибобо» совхозини халқ контроли группаси раиси Тўлағанов бошлиқ назоратчилар аниқ-са актив фаолият кўрсатиш-моқдалар.

Шу кунларда кўрак те-риш техникаси, подорожник-ларнинг ҳам тула унум бил-ан ишласи таъминламоқ-да. Кўрак совб бор-моқда. Егилганлиги ишчи-мизга халқнинг берилти. Ле-кин шунга қарамай йиғим-тер-ишга пахта даласида тай-рат қилинган. Ниятимиз «оқ олтин»нинг бир грамминини ҳам қолдирмай йиғиб олиб, областимизнинг 450 минг тонналик улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшишдир.

Ғ. АҲМЕДОВ,

Чиноз район халқ кон-троли комитетининг ра-иси.

* СЎНГГИ ГРАММГАЧА

* ТЕЖАМКОРЛИК — КОММУНИСТИК

ХИСЛАТ

* ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН...

* КЎЗЛАРИ МОШЕДА ОЧИЛДИ



М. РАҲМАТОВ,

Юрғор Чирчиқ район кол-хозларига қурилиш бош-қармасининг аъзоси.

«АСФАЛТ СОТАМАН...»

ФЕЛЬЕТОН

пул йиғиб олса қандай бў-ларини? Тавakkал қилиб у яна хонадонга-хонадон ай-ланиб чиқди. Соддадил одамлар бу ерда ҳам қўн экан.

— Мана шу 500 сўмни ол-латурин, — дейишди улар. — Яна қанча керак бўлса топиб берамиз. Фақат қўшма асфальтлаш, чанг-лойдан қутқалса бўл-гани.

Григоренконинг нафис ҳанқалак отабатинини кўр-ган кесакорчи ишчилар на-сихат қилишди. Аммо Гри-горенко «хўжайинлар ўн-

Утган йилнинг биринчи кварталда бошқарма ишчи-лари «Қириб» — «Крас-ний водопад» ва «Тошкент» — «Чимкент» автомобиль-трассасида ўртача ремонт ишларини бошлаб юбориш-ди. Бошқарма раҳбарлари биринчи квартал охирида бажарилмаган ишларини ҳам бажарилади, деб «галаба» рапортга жимжимдор им-со қилиб юборишди. Улар мусобақа толиқи учун об-ласт йўллар бошқармаси-да автотранспорт ва тош йўллар ҳошимлари касаба-союзлари област комитети

квартал планини 88,6 пер-цент бажарган эди, холос. Бошқарма бошлиғи Абду-лиқ Солиқов орада яна бир иш қилиб қўйди. У за-ча хон қўланаси майдон эди. Мажкуд қонун-қон-ларнинг биронтасига ҳам қўйиб қилмади. Танқид қил-ганларни аса олган солиб қуварди. Бўлмаса қўшни республикага бошқарма ҳи-собиндан асфальт-бетон қи-ришмаси етказиб бериш қи-ринида хилоф иш деб, мута-хассслар бир неча бор уни қўхлатишди. Лекин Со-лиқов ўз билганидан қолма-

ди. Ҳотамтойлик қилиб Қозо-ғон ССРининг «Дарвоза» совхозини вакилларида бош-қарма ҳисобидан асфальт қилиш учун йиғиб қўзғиб олиб берди, асфальт те-хникаларини «Д—399Б» маркали катонин ичин қў-лаб ўзларга тақдим этди. Каток шу бўйи тўққиз ой «Дарвоза» совхозига қўриб қўйилди. Совхоз вакиллари Янгибўла асфальт-бетон за-водидан сазкам 400 тонна қўришмаси олиб кетиб, йўл-ларини текислаб олдилар.

Бошқармада бўлаётган қонунсиз ишларни санаб санаётган етолмасан киши. Халқ назоратчилари ўтқа-ган текширувдан сўнг Соли-қовнинг ҳам, Қодировнинг ҳам сир-асрорлари ҳаммага маълум бўлди. Област халқ-контроли комитетининг бўлиб ўтган мажлиси-да давлат мулкнинг талон-тарош қилаётган бошқарма раҳбарлари ҳи қилишлари-га яраша йазоларини олди-лар. Бошқарма бошлиғи Со-лиқов ҳам, бош инженер Қодиров ҳам вазиридан четлатилди. «Дарвоза» совхозининг қонунсиз берган Янгибўла асфальт-бетон за-вод директори Эшматовга ғайриқонуний асфальт-бетон қилиш бўлигида иш тўста-ётган бўлиб бир раҳбарлар учун бу жазо қатта сабоқ бўлса ажаб эмас.

Ж. НОСИРОВ.

ХАЛҚ МУЛКИ

ДАҲЛСИЗ

ОРЖОНИКИДЗЕ райони-дан «Правда» колхозини халқ-контроли группаси йил бо-шида қишлоқ хўжалиғи маҳ-сулотларининг талон-тарош қилинишига қарши қатор тадбирларни ишлаб чиққан эди. Шу жумладан утча мавсумини пост тузилди. Ав-валига рейд ва текширув-лар ўтказиб турилди. Бироқ кўп ўтмай режалар қозо-да қолиб кетди. Социали-стик мулкни муҳофиза қи-лиш талаб даражасида бўл-мади. Айниқса, 2, 3 ва 19-бригададаги назоратчилар ўз бурчларига нисбатан маъсуллик билан қарамади-лар. Рейд ва текширишлар на-мдан-кам ўтказилди.

«Октябрь» колхозини халқ-контроли группасида аса-пинчилик мавсумида қў-шини постлар уҳуман ту-зилмади. Текширинг ва рейдлар аҳён-аҳёда ўтқи-зилди. Натижада қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини талон-тарош қилиш ҳоллари содир бўлди. Утган ойнинг ўзида 20 киши ана шундай қинғир йўл тутиб, уялиб қолди.

Хўш, бу хўжаликларда нега бундай қўнғилсиз во-қеалар юз берди? Чунки халқ назоратчилари соци-алистик мулкни муҳофиза қилиш йўлида ақилини иш-олиб боришмади. Халқ кон-троли группаси рейд ва тек-ширишларга кенг оммани жалб этмади. Эл мулкнинг талон-тарош қилаётган ша-хслар нисбатан қатъий чо-ралар қўрилмади. Мазкур хўжаликларнинг партия ташкилотлари халқ контро-ли ишига етарли даражада раҳбарлик қилмади.

Ўйлаётганимиз, юқорида номлар келтирилган кол-хозларнинг партия ташки-лотлари халқ контроли иши-ни яхшилашга эътиборини қўйишлари ва соци-алистик мулкнинг даҳлсизли-гини таъминлашлари.

З. ЖУРАЕВА.

ОБЛАСТ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

Қиш—жиддий синов

ХАЛҚ назоратчилари корхона ва ташкилотларнинг киши масъумига тайёрлигини, ёқил-энергетика ресурсларидан қандай фойдаланиётганлиги бўйича бир қатор рейд ва текширишлар ўтказдилар. Текшириш натижалари шунинг кў-рсаткичи, кўпгина корхона ва ташкилотлар қишга тайёрлиги-ни бераёт бошлаб юборганлар, ёқил-энергетика ресурсларидан тежам фойдаланиш тадбирлари кўришмоқда. Текшириш-дан ташкилотларда шу йилнинг ўтган даври ичида 56,3 мил-лион киловатт-соат электр энергияси тежам қилинганлиги маълум бўлди.

Лекин шу билан бирга баъзи корхона ва ташкилотларда кўз-қич масъумига тайёрлиги графиги бузилмоқда. Шу жумладан Чирчиқ ойна заводига белгиланган 17 пунктнинг фақат олтичасига бажарилган холос. Ҳазиланган консерва заводига эҳтиёт ёқил қелтирилмаган, сиртки труба-лар ре-монт қилинмаган.

Шу вақтгача област мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларига 18 минг тонна кўмир олиб келиш лозим бўлган холда фақатгина 12,8 минг тоннагина келтирилди. Ай-ниқса Бўстонлиқ ва Ўрта Чирчиқ районларида мактабларини ёқил билан таъминлаш ёмон аҳволда.

Област коммунал хўжалиқ бошқармасининг ташкилотла-рида ҳам биноларнинг ремонт қилиш ва ёқил қелтириш жу-да сўт олиб борилаётган. Даволаш муассасаларида ҳам ки-шга тайёрлиги аҳи бораётган деб бўлмайди. Ақригилан маблагларнинг 83 процентини ўзлаштирилган холос. Шу жу-младан Бўстонлиқ районидан баъзи меҳнатчи муассасалари-да капитал ремонт шў пақитга тугалланган, 1210 тонна ўр-инга 560 тоннагина ёқил келтирилди, холос.

Тошкент ГЭСида қишга тайёрлиги масаласи област халқ-контроли комитетининг 19 сентябрда бўлиб ўтган йи-ғилишида қўрилиб, жиддий нуқсонлар кўрсатилган эди. Ле-кин ГЭС раҳбарлари шунга қарамай етарли хўшхалос чиқ-ариб олишмапти.

Област халқ контроли комитети йиғилишида Ҳазиланган консерва заводининг бош инженери Чирчиқ, Чирчиқ ойна заводининг бош инженери Прозоровлар оғохланганлиги, Шунингдек област коммунал хўжалиғини бошқармаси, област халқ маориф бўлими, област соғлиғини сақлаш бўлими раҳбарларининг эътибори ана шу камчиликларини тезда бар-тараф этишга қаратилди.

Ҳисоб-китоб аниқ бўлсин

Област статистика бошқармаси ва уларнинг жойлардаги органлари ҳисоб-китобларини аниқ олиб бориш, статистик ма-териалларини янгиш ва қайта ишлаш, техник-иктисодий кўрсат-кичларни таҳлил этиш, ҳисоб-китоб ишларини механизация-лаш бўйича бирмуноча ишларни амалга оширмоқдалар.

Лекин шу билан бирга област статистика бошқармаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари давлат ва меҳнат иттизоми-ни мустақамлаш, ҳисоб-китоб ишларини тақомиллаштириш, иқтисодий анализлар, сифат статистик ахборот ва докларлар-нинг сифатини яхшилаш йўлида изчил иш олиб бормаяпти. Ўз-лоқ қилинган ойллик доклардада қишлоқ хўжалиқининг соҳалари, капитал қурилиш ва саноатнинг баъзи кўрсаткич-лари бўйича планларнинг бажарилаётганлигининг сабаблари тула таҳлил этилмайди. Саноат ишлаб чиқариш бirlашма-ларининг фазолиятини доимо анализ қилинмайди. Утган саноат ой-инда корхона, қурилиш, турли муассаса, колхоз ва совхоз-лардан олтига ҳисоботларда бир қатор ишлар сифатсиз ба-жарилиши маълум бўлди.

Област статистика бошқармаси ва унинг жойлардаги та-шкилотлари партия ва ҳукуматнинг ҳисоб-китобларини аниқ ва равшан кўрсатиш тўғрисидаги қўрсатмаларига доимо риоя қилинмапти. Натижада ҳисоб-китоб ишлари баъзан юзани-ва паст даражада бўлиб қолмоқда. Айниқса, Чиноз, Бўстон-лиқ, Пискент районларида статистика ишлари талаб даража-сида эмас. Област ҳисоб-китоб маркази жойлардаги ҳисоб-китоб марказлари ва станциялари ишнинг етарли даражада назо-рат қилиб бормаяпти.

Чиноз машина-ҳисоблаш станцияси ва Ангрен ҳисоблаш маркази ишлари текширилганда қўзғабалчилик ҳоллари маъ-лум бўлди. Чиноз ва Пискент районлари машина-ҳисоблаш станцияларида самарадорлик нисбатда паст бўлмоқда.

Халқ контроли комитети йиғилишида ана шу ташкилотла-рининг раҳбарларига мазкур камчиликларини тезроқ бартараф этиш вазифаси топширилди. Шунингдек, област ҳисоблаш марказининг директори Эсонова ва област ҳисоблаш мар-кази директорининг ўринбосари Қариев ўртоқлар оғохлан-тирилди.

Илғор тажрибага кенг йўл

Оққўрғон район ва Олмалиқ шаҳар халқ контроли комит-тетлари ўз фаолиятларида меҳнатчилар депутатлари Совет-лари доимий комиссиялари, касаба союз, «Комсомол про-жектори» билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Халқ назоратчилари жамоат ташкилотлари билан бирга давлат ва ишлаб чиқариш иттизоми, моддий ресурслар, ер, техника ва сувдан фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хўллас барча соҳаларни эътиборда тутмоқдалар.

Утган давр ичида Оққўрғон район халқ контроли комитети 200 дан ошди рейд ва текширишлар ўтказди. Шундан 20 дан ортиқроги меҳнатчилар депутатлари Советларининг доимий комиссиялари, касаба союз ташкилоти ва «Комсомол проектор» билан бирга олиб борилади. Олмалиқ рейд ва текширишларда қишлоқ хўжалиғини билан бирга саздо, унум-лий оқиллаштириш, транспорт ташкилотлари, шунингдек соци-алистик мулкни муҳофиза қилиш масалалари кўрилади. Улар-нинг натижалари халқ контроли комитети, меҳнатчилар деп-утатлари Советларининг доимий комиссиялари касаба союз, комсомол ташкилотлари ва коллективларнинг умумий йиғи-лишларида шу жумладан 83 масала умумий йиғилишда, 17 таси касаба союз, 8 таси комсомол йиғилишларида, 27 таси эса меҳнатчилар депутатлари Советлари доимий комиссия-ларида муҳофиза этилди.

Олмалиқ шаҳар халқ контроли комитети бу йил 150 дан ортиқ рейд ва текширишлар ўтказган бўлса, уларнинг кўп-гина кимси меҳнатчилар депутатлари Советлари доимий ко-миссиялари, касаба союз ва «Комсомол проектор» билан биргаликда олиб борилади. Бу текширувларда 400 дан ортиқ киши иштирок этди. Уларда меҳнатчилар шикоятлари ва хатлари билан ишлаш масаласига алоҳида эътибор берилди.

Област халқ контроли комитети Оққўрғон район ва Олма-лиқ шаҳар халқ контроли комитетларининг меҳнатчилар депутатлари Советлари доимий комиссиялари, касаба союз ташкилоти, «Комсомол проектор» билан ҳамкорликда кўр-сатилган фаолиятини иқобий баҳолади ва бу илғор тажри-бани кенг ёйишни тавсия этди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«МЎЪТАБАРОМГА ДОҒ ТУШИРГАНЛАР»

ГАЗЕТАМИЗНИНГ шу йил 3 июль сонига босилган «Мўътабар номга доғ ту-ширилганлар» сарлавҳали фельетонда Қўй Чирчиқ районидан Крузская номи 47-ўрта мактабда таълим-ларни ишлари савиясининг пастлиги, моддий интизоми-ни қўпол равишда бузила-ётганлиги, африя ўқитувчи-ларнинг совет педагогига де-шан шарафли номга доғ ту-шираётганлиги танқид қи-линган эди.

Фельетон текшириш учун Қўй Чирчиқ район партия

комитетига юборилган эди. Район партия комитетининг секретари Д. А. Заред-динованинг маълум қилини-ча, текширувда фельетонда келтирилган фактларнинг барчаси тула-туқис тасдиқ-ланган.

Район партия комитети биро мажлисида фельетон африялиги муҳофиза қи-либ, таълим-тарбия ишлари ва меҳнат интизоминини бў-шатилиб юборганлиги ва моддий интизоминини бузи-лаётганлиги ҳисоб-китобчи Ю. Маъжировга ҳисоб кар-точкасига ёзиш шарти билан

қаттиқ ғайовор эълон қи-линди. Сохта йўллар билан ўз ҳисобидан отпусқа олиб савдогарчилик билан шўгул-ланган ўқитувчи У. Сарибое-ва ҳам ҳисоб қарточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ ғайовор эълон қилинди. Маъ-мурият фаолият устидан назоратини суъайтириб юбо-рган мактаб партия ташкило-тининг секретари ўртоқ Фай-зуллаев оғохланганлиги.

Район халқ маорифи бў-лимига мактаб ўқитувчяла-рини қайта аттестациядан ўт-казиш топширилди.

